

Шайх Мансур Абдулбоқий Бухорий



13:30 / 19.08.2022 1776

Саудия Арабистони ўзбекларидан бўлган шайх Мансур Абдулбоқий Бухорий 1971 йил Саудия Арабистонининг Мадина шаҳрида туғилган. Унинг оиласи Андижондан 1927 йили Саудия Арабистонига ҳижрат қилган ўзбеклардан ҳисобланади.

Шайх Абдулбоқий Жидда университетидида таълим олган. Умрини ота юрт тарихи ва дини Ислому хизматиға бағишлаган зиёли ўзбеклардан. Шу кунгача Туркистон тарихи ва ҳанафий фикҳи бўйича «Улама Маварауннаҳр» (Туркистон уламолари ҳақида), «Ҳаяти Абдурашид Иброҳим» (Туркистонлик Абдурашид Иброҳим ҳаёти), «Ал-Аъж ве Ал-Тҳаъж» (ҳанафий фикҳи), «Моқадима Ал-ноъманиа» (ҳанафий фикҳи), «Ресалат Ал-митҳил ве Ал-Митҳлаин» (ҳанафий фикҳи), китобларини ёзган.

Ҳозирда Масжидул Ҳаромда ҳанафий фикҳи бўйича дарс беради.